

ПРОФЕССОР ЗАЙНИДДИН МАХАМАТОВИЧ НИЗАМХОДЖАЕВ (ТАВАЛЛУДИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА)

2024 йил 19 март куни мамлакатимизнинг таниқли давлат ва жамоат арбоби, йирик хирург-олими, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт марказининг Қизилўнғач ва ошқозон жарроҳлиги бўлими раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фанлари доктори, профессор Зайниддин Махаматович Низамходжаев таваллуд топганига 70 йил тўлди.

З. Низамходжаев 1954 йилда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида туғилган, 1978 йилда Тошкент давлат медицина институтини «даволаш иши» мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тамомлаган.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор З.М. Низамходжаев ўзининг 45 йиллик илмий-амалий ва педогогик фаолияти давомида қизилўнғач ва ошқозон хирургияси бўйича мамлакатимизнинг энг етакчи мутахассисларидан бири сифатида танилди. У бу давр мобайнида 400 дан ортиқ илмий мақолалари республика ҳамда чет элларда, ҳамдўстлик мамлакатларининг нуфузли журналларида чоп этилган. Ундан ташқари 4 та ўқув амалий-услубий қўлланмалари амалиётга татбиқ этилган. Унинг илмий изланишларининг аксарияти замонавий хирургиянинг энг мураккаб соҳаларидан бири ҳисобланмиш – қизилўнғач ва ошқозон-ичак тизими хирургияси муаммоларига бағишланган бўлиб, бу йўналишдаги бир қатор юқори самарали ва оригинал реконструктив амалиёт усуллари ишлаб чиқилган ва уларга 5 та муаллифлик патенти олинган.

З.М. Низамходжаев раҳбарлиги остида 7 та номзодлик ва 1 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилиниб, уларнинг натижалари Республика соғлиқни сақлаш тизимининг амалиётига кенг миқёсда татбиқ қилинган. Бугунги кунда унинг раҳбарлиги остида 4 та докторлик



диссертацияси доирасида олиб борилаётган илмий изланишларда қизилўнғач касалликларини хирургик даволашда янги технологияларни кенг татбиқ қилиш ва самарали усуллари ишлаб чиқиш масалалари ўрганилмоқда.

З.М. Низамходжаев томонидан ишлаб чиқилган тикловчи-реконструктив амалиётлар авваллари анъанавий усулларда ўртача 3–4 босқичда бажариладиган ўта мураккаб ва бемор учун оғир операцияларни бир босқичда, хавфсиз ва самарали амалга оширишга имкон яратди. Бу турдаги операцияларни амалиётда жорий этилиши бажариладиган операциялар сонини ва ҳажмини камайтириш, даволашга кетадиган сарф-харажатларни камайтиришга олиб келди. Энг асосийси, бу амалиётлар ёрдамида юзлаб беморларнинг саломатлигини тиклаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва уларнинг аксариятини меҳнат фаолиятига қайтаришга эришилди.

З.М. Низамходжаев раҳбарлик қилаётган Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг Қизилўнғач ва ошқозон жарроҳлиги бўлими йилига 600 дан ортиқ беморларга юқори технологик, жаҳон стандартларига мос равишда мураккаб операциялар бажарилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, охириги 4–5 йил ичида ушбу бўлимда ўта семизликда ба-

жариладиган юқори самарали операциялар йўлга қўйилди.

З.М. Низамходжаев 2001 йилдан бери Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Хирургия кафедрасининг профессори сифатида курсантлар ва клиник ординаторлар билан назарий ва амалий машғулотлар олиб боради. Йирик олим, малакали педагог, моҳир хирург-мутахассис сифатида у бир неча илмий марказлар қошида ташкил қилинган илмий даражалар берувчи илмий кенгашларнинг, тиббиёт соҳасидаги чет элда ва Ўзбекистонда чоп этилувчи бир неча илмий журналларнинг таҳрир ҳайъати аъзоси.

Йирик давлат ва жамоат арбоби бўлимиш З.М. Низамходжаев 2015–2020 йиллари Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг депутати ва Олий Мажлис Сенатининг аъзоси этиб сайланган ва шу давр давомида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маъданий ва спорт масалалари қўмитаси раиси ҳамда Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашиш комиссияси раисининг ўринбосари лавозимларида кенг кўламли фаолият олиб борган. 2020 йилнинг 20 январидан Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари, 2021 йил 5 февралда эса Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси лавозимига тайинланган.

З.М. Низамходжаев раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 октябрь куни навбатдаги ва 2023 йил 9 июль куни навбатдан ташқари сайловлари ҳамда 2023 йил 30 апрель куни Ўзбекистон конституцияси референдуми муваффақиятли ўтказилди ва бу тадбирлар халқаро кузатувчилар ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эркин ва демократик руҳда, очиқ ва ошқора, соғлом рақобат ва сиёсий кураш муҳитида ўтганлиги эътироф қилинди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва фидокорона фаолияти учун профессор З.М. Низамходжаев 2012 йили «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочилиги» кўкрак нишони, 2014 йили «Ўзбекистон Қахрамони» фахрий унвони ва олий нишон – «Олтин юлдуз» медали билан тақдирланган. 2024 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармонида мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Раиси

Зайниддин Низамходжаев давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳамда юксак салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан тақдирланди.

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси, Ўзбекистон шошилич тиббий ёрдам врачлари ассоциацияси аъзолари ва «Шошилич тиббиёт

ахборотномаси» журнали ҳайъати аъзолари номидан қадрли ҳамкасбимиз, йирик давлат ва жамоат арбоби профессор Зайниддин Махаматович Низамходжаевни таваллудининг 70 йиллик муборак санаси билан чин қалбдан табриклайди ва узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, беморларимиз саломатлиги йўлидаги фидокорона меҳнатларида улкан муваффақият ва зафарлар тилайди!